



ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

17 октябрь, шанба 1998 йил №120(621)

Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

ШИКОЯТ ТЕКШИРИЛДИ, АДОЛАТ ЎРНАТИЛДИ

Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси кенгашига меҳнаткашлар турли масалаларда муносабат эътибори билан ҳақ-ҳўққларининг бўлиши, иктымол ҳимоя масалалари алоҳида диққат марказида. Уларни вақтида кўриб чиқиш ва адолатли ҳал этишга юксак масъулият билан ёндашилган.

КЎЧАДА БЕРИЛГАН БУЙРУК

Хатирчи туманида истикомат қилувчи Т.Қурбониевдан ушбу мазмундаги хат олинди:

«Мен 1997 йил 24 сентябрда Хатирчи тумани марказий шифохонаси бош шифокорининг ўринбосари вазифасига тайинландим. 1998 йилнинг мартада кадрлар бўлими бошлиғи кўчада бир варақни қўлимга тутқазди. Қарасам, бош шифокор Ш.Бўриевнинг буйруғи экан. Штат жадвали ўзгарганлиги муносабати билан эгаллаб турган лавозимдан бўшатилиб, ташкилий-услубий бўлимга шифокор-статист вазифасига ўтказилибман. Ҳаёт таажубландим, аввало штат қисқариши туғрисида оғзаки ёки ёзма равишда огоҳланганим йўқ. Иккинчидан, буйруқни кўчада қўлимга тутқазиб кетишлари иззат-нафисимга теғди. Бу адолатсизлик! Ҳақиқатни тиклашга ёрдам берсангиз.»

Пичокни олдин ўзинга ур, оғримаса бировга деган мақол бор. Агар бош шифокор Ш.Бўриевнинг ўзига лавозимдан пасайтирилганлиги ҳақидаги буйруқ томдан тараша тушгандек қўлига бериб кетилса, ўзини қандай ҳис этаркин?

Ўзбекистон Меҳнат Кодексининг 22-моддасида шундай дейилади:

«Бошқа доимий ишга ўтказишга (ҳодимнинг меҳнат вазифаларини ўзгартиришга) - унга бошқа мутахассислик, малака, лавозимга оид ишни топширишга фақат унинг розилиги билан йўл қўйилиши мумкин.»

Шикоятни текшириш соғлиқни сақлаш ходимлари касабаси уюшмаси марказий кўмитаси меҳнат ҳуқуқи бош нозир К.Мухторовга топширилди.

Маълум бўлишича, бош шифокор Ш.Бўриев баъзи ўринларда мутахассисларга нисбатан яхши муомилада бўлмаган. Боз устига, қонун-қоидаларни яхши ўзлаштирмаган. Қонунни билмаган эса ҳар қандай қоқилади. Оқибат натижада бош шифокор ўз буйруғини ўзгартиришга мажбур бўлди...

МАОШ МУАММОСИ ҲАЛ ЭТИЛДИ

Бозор шароитининг ўзига хос қийинчилик томонлари бор. Шу боис, фуқаролар ўз маошларини вақтида олишлари жуда аҳамиятлидир. Бу борадаги камчиликлар одамлар кайфиятига таъсир этади. Текширишлар шуни кўрсатмоқдаки, баъзи раҳбарларнинг маъсулиятсизлиги туфайли маошлар кечиктириб берилмоқда. Таъкидланганидек, пировард натижада жамоаларда чалқашликлар юзага келмоқда. Масалан, Тошкент тумани коммунал хўжалиги юк ташувчиси А.Тимофеевдан шу мазмундаги шикоят хати олинди. У текширилганда далиллар тўла тасдиқланди. Вазифасига совуқонлик билан ёндашган бош ҳисобчиға жарима солинди, муҳим ишда қатъий тартиб ўрнатилди.

Янгийўлдаги 514-механизациялашган кўчма жамланманнинг 28 нафар ишчиси имзо чеккан хат олинди. Унда ёзилишича, қорхона маъмурияти 1997 йил июлидан 1998 йил июни ойи давомида 28 ишчиға маошларининг бир қисми тўланган ҳолос. Мутасаддилар субабини сўрашганида, турли баҳоналарни рўқач қилишган.

Тошкент вилояти агросаноат мажмуи ходимлари касабаси уюшмаси масалани умумий йиғилишида атофлича кўриб чиқди. Текширув ишлари изчил олиб борилди. Муаммони ҳал этишнинг қатор омиллари бор экан. Жумладан, қорхона ихтиёрида энди керак бўлмайдиган биналар мавжуд. Йиғилиш қарори билан 30 миллион сўмлик баланс қийматда турадиган биналардан бирини сотишга қарор қилинди. Шу муносабат билан Республика кўчмас мулк биржаси билан шартнома тузилди. Демак, маош масаласи ҳал бўлди.

АМАЛИЙ МУЛОҚОТЛАР

АШХОБОД. 16 октябрь. ЎзА махсус мухбири Фарҳод Арзиев хабар қилади. Бугун Ўзбекистон Президентлари Ислоҳ Каримов амалий ташрифи билан Туркманистонга келди. Ашхобод аэропортида давлатимиз раҳбарини Туркманистон Президенти Сапармурод Ниязов кутиб олди.

Президентимиз Туркманистон пойтахтида 1948 йилда юз берган зилзила оқибатида ҳаётдан кўз юмганлар хотирасига тиклан-

ган ёдгорликни зиёрат қилди. Ёдгорлик пойига гулчамбар қўйди. Шунингдек, икки давлат Президентлари Ашхобод марказида қуриб битказилаётган масжид биносини кўздан кечирдилар.


Туркманистон президенти саройи - Туркманбоши кўшиқда Ўзбекистон Президенти Ислоҳ Каримовни расмий кутиб олиш маросими бўлди. Сўнгра икки давлат раҳбарларининг яқма-яқка суҳбати бошланди. Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Туркманистон ўртасидаги иқтисодий

ҳамкорликнинг бугунги аҳоли, минтақавий ҳавфсизлик, шунингдек, томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашилди. Шу ернинг ўзида Президентлар журналистлар учун қисқача интервью берди.

Куннинг иккинчи ярмида Туркманбоши кўшиқда Президентлар мулоқоти давом этди.

Шу кун Президент Ислоҳ Каримовнинг Туркманистонга амалий ташрифи ниҳоясига етди.

«Пахта-98»



Насибохон пахта йиғим теримини орзиқиб кутади. Қишлоқ қизи эмасми, далада ишлашнинг гашти ўзгача-ю оппоқ бўлиб очилган пахталарни териб олишнинг гашти бўлакча эканлигини яхши билади. У меҳнат қилаётган Богдоғ туманидаги «Намуна» жамоа хўжалиги пахтакорлари бу йил 1000 гектарга яқин майдонда гўза ўстиришди. Айни вақтда хўжалиқда терим ишлари кун сайин авж олдирилмоқда. Шу нарса қувончлики, ҳосил чўғи барчани қувонтирмоқда.

Суратларда: теримчи Насибохон Сатторова; машина терими пайти.

Б.ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.

Аҳмад ал-Фарғоний таваллудининг 1200 йиллиги олдидан

Қутлуғ байрам арафасида

Мамлакатимизда буюк аллома Аҳмад ал-Фарғоний таваллуд тўйига санокли кунлар қолди. Байрамнинг асосий тантаналари ўтадиган Фарғона ва Қувада бу қутлуғ санага тайёргарлик ишлари ниҳоясига етказилмоқда. Фарғона шаҳридаги аллома номи билан аталувчи оромгоҳнинг бош майдонида улуг бобаклонимизнинг салобатли ҳайкали қад кўтарди. Миллий ҳунармандлик мактаби ўймакорлик санъатининг ноёб анъаналари асосида тикланган улугвор устунлар кўкка бўй чўзди. Майдонда ўн бир фаввора бир-бирига уйғун равишда сув сочиб, бу улкан гулшанга алоҳида кўрк ва чирой бағишлади.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, юбилейга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ташкилий кўмитаси раиси Исмоил Жўрабеков бошчилигидаги гуруҳ 16 октябрь кун мазкур мажмуада олиб борилаётган сўнгги тайёргарлик билан та-

нишди. Бу ерда меҳнат қилаётган қурувчилар, усталар, таъмирловчилар билан суҳбатлашдилар. Баҳарилган катта бунёдкорлик ишларидан мамнуният изхор этиб, йўл қўйилган айрим нуқсонларни бартараф қилиш юзасидан тақлиф ва мулоҳазалар билдирдилар. Шунингдек, улар Аҳмад ал-Фарғонийнинг ҳаёти ва фаолияти, унинг жаҳон илм-фани ривожига қўшган ҳиссасини акс эттирувчи театрлаштирилган томошалар қандай ихро этилиши билан танишдилар.

Ташкилий кўмита аъзолари Қува шаҳристониде ҳам бўлиб, бу ерда байрам муносабати билан олиб борилаётган сўнгги тайёргарлик ишларини кўздан кечирдилар.

Тадбирда Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Н.Жўраев, Бош вазир ўринбосари Ҳ.Кароматов, Фарғона вилояти ҳокими Н.Мўминов қатнашди.

ЎзА/

Йиғим-терим ва касабаси уюшмаси

бор доимий ва мавсумий боғчаларни мунтазам ишлашни таъминлаш, дала-ниҳон ўзида кўчма савдо ташкил этиш, деҳқонлар билан ёзувчи ва шойрлар учрашувларини ўтказишга

катимиздаги энг сўлим оромгоҳларга бепул йўлланмалар мукофот тариқасида берилмоқда. Мухим ишда Янгилик туманидаги «Гулистон» жамоа хўжалиги аъзолари барчага на-

тажриба мактабини яратди. Унинг бой тажрибаси ҳозирги кунда кенг оммалаштирилмоқда. Хўжалиқда йиғим-терим кун сайин қизгин тус олмоқда. Сўнгги 10 кунлик якуни бўйича

ИЛҒОРЛАРГА ҚИММАТБАҲО СОВҒАЛАР

қаратилмоқда. Мавсум бошланиши арафасида вилоят ҳамда туман ҳокимликлари билан ҳамкорликда йиғим-терим илғорларини муносиб равишда рағбатлантириш чора-тадбирлари ҳам пухта ишлаб чиқилди. Меҳнат беллашуви ғолибларига телевизор, гилам, мамла-

муна бўлишяпти. Юксак суръат ва сифат таъминланаётганлиги туфайли хўжалик рангли телевизор билан мукофотланди.

Онабизи Машарипова номи воҳода яхши таниш. Хонқандаги «Янги ҳаёт» хўжалигида фаолият юри-беллашуви ғолибларига телевизор, гилам, мамла-

Абдулла Полвонов бошлик бригада, суворийлар урта-сидаги беллашува эса Уткир Сафоев ғолиб деб топилди. Улар ҳам қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

Иш барча ерда бирдек кетаяпти, деб бўлмайди. Айрим хўжалиқларнинг раҳбар мутахассислари

Қ.МУЛЛАЕВ.

НИМАДАН КЎНГИЛ ТЎЛМАЯПТИ, ОТАХОН?

«Пахтакор» Олтинсой туманининг йирик хўжалиқларидан бири. У пахта етиштиришга ихтисослашган. Яқинда хўжалик далаларида бўлди. Умрини пахтачиликка бағишлаган кекса деҳқон билан мулоқотда бўлди. Анчайин уринмайлик суҳбат қовушмади. Боиси отахоннинг кайфияти йўқ эди.

Гап нимадалигини фахмладик: деҳқон кайфияти пахтасига қараб. Бу ерда мўл, арзон ва сифатли ҳосил етиштириш учун имконият бор. Бироқ, изланиш, изчиллик етишмаяпти. Ҳал қилувчи дамларда гўза парвариши ўз ҳолига ташлаб қўйилапти. Оқибат натижада аксарият эвенолар олди хўжалиқларда йиғим-терим қизгин авж олдириб юборилган бир шариотда кўсаклар қачон очиларкан, деб қолишяпти.

Хўжалик ўтган йили пахтачиликдан катта миқдорда иқтисодий зарар кўрди. Сабаблар кўп. Биттасига тўхта-лайлик: бултур «Пахтакор»да ҳосил йиғим-терими декабрь ойиғача давом эт-

ди. Чунки асосий таянч хўжалиги бўлганлиги учун шартнома режасини бажармасе туман «ниқолмас» эди. Ҳозирги кун орқада. Умумий хирмон 1997 йилнинг шу кунига нисбатан анча орқада. Деҳқонларнинг шашти паст. Йиғим-теримда иштирок этаётганларга яратилган шариот ҳам мақтағулик эмас.

Раис Н.Меликулов бу йил соф фойда билан чиқамас, дейди. Ният яхши. Бироқ танг аҳволдан чиқиб бир йилда дарёни янги ўзанига солиб бўлмайди. Бу йилги мавсум «Пахтакор»га «азар» бермасе шуни ўзи катта фойда!

Т.РАЗЗОҚОВ, «Ишонч» мухбири.

МАШИНАЛАР ҚАЧОН ИШГА ТУШАДИ?

Жиззах вилояти давлатга пахта сотиш бўйича республикада жадвалнинг энг охирини эгаллаб турибди. Бунинг сабабларидан бири баҳор серёғири келиб, чигит тақор экилиши бўлса, иккинчиси вилоятда оқ олтинни йиғиштириб олишда ташкилотчиликнинг йўқлиғидир. Ва ниҳоят учинчи сабаб йиғим-теримда техникадан унумли фойдаланилмаётганидир. Чунки шу йилнинг 16 октябргача бўлган маълумотларга қараганда вилоятда бир кунда зангори кемалар ёрдамида бор-йўғи 242 тоннагина пахта терилган. Жами йиғиштирил-

ган ҳосил эса 3943 тоннани ташкил этган. Бу умумий режанинг 3,46 фоизи демакдир. Ваҳоланки, вилоятда мавсум мобайнида 114 миң тонна оқ олтин машиналарда йиғиштириб олиниши керак. Нимага бундай бўлди, деган саволга шу кун мавжуд 1516 та пахта териш машинасидан атиги 301 таси ишламоқда, деб жавоб бериш мумкин. Октябр охиригача, бу аллопта ганимат онлар, имконият бой бериб қўйилмайдими?

Ғулом ЮСУПОВ, «Ишонч» мухбири.

Хоразм вилоят касабаси уюшмалари Вазирлар Маҳкамасининг «1998 йилги пахта ҳосилини йиғиштириб олишнинг рағбатлантириш ва уни уюшқоқлик билан ўтказиш чора-тадбирлари туғрисида»ги Қарори асосида аниқ тадбирлар белгилаб, изчил амалга оширилмоқдалар. Шу боис, аксарият хўжалиқларда ялли сафарбарлик таъминланган. Мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланилапти. Бу эришилаётган натижаларда ҳам ўзифодасини топмоқда.

Ҳал қилувчи бўлинларда фаолият юрифтаган касабаси уюшмалари кўмиталари механизаторларни махсус кийим-бош билан таъминлаш, иссиқ оқат ташкил этиш, маданий тадбирларни намунали ташкил этишда катта ташкилотчилик кўрсатишяпти. Асосий эъти-

Қашқадарё вилояти бўйича санацияга тушган 8 та хўжалик орасида Қарши туманидаги «Чорон» жамоа ширкат хўжалиги ҳам бор. Бу - гарчанд хўжалик иқтисодий таназзулга учраган бўлса ҳам давлатимиз ушбу жамоага қаддини тиклаб олиш учун синов тариқасида вақт, имкон берди, деган гап эди. Дастлаб хўжалиқнинг ташки бошқарув раҳбари Барот Бозоров ҳам, касабаси уюшмаси кўмитаси раиси Шухрат Дустмуродов ҳам вазиятни туғри англаб, ишда ўзгариш ясашга ҳаракат қилдилар. Жорий йилда 1600 гектар майдонга чигит экиб, давлатга 3300 тонна хом ашё етказиб бериш режалаштирилди. Йиғим-терим мавсуми олдидан эса, Вазирлар Маҳкамасининг «1998 йил пахта ҳосили-

ни йиғиштириб олишни рағбатлантириш ва уни уюшқоқлик билан ўтказиш чора-тадбирлари туғрисида»ги қароридан келиб чиқиб, аниқ тадбирлар ишлаб чиқди. Унга кўра пахтакорларга етарли савдо, маданий-маиший шариотлар яратиб берилиши ҳам кўзда тутилган эди, албатта.

Бироқ, ўнта ваъзхондан битта жонбоз яхши деганларидек, қачонки чиройли тадбирлар қозғондан амалиётга кўнгандагина одамларга наф, моддий ва маънавий манфаат келтириши мумкин. Лекин хўжалиқнинг Мурод Хидиров

бошчилиқ қилаётган ижарачилар даласида тадбирларда кўзда тутилган шариотга қўзингиз тушмайди. Шу тумандаги Ақром Исмоилов номли 26-мактабдан ҳашарга чиққанлар дала шийпони умуман яроқсиз ҳолга келган. Клуб билан пахта терилаётган дала ўртасидаги масофа эса бир километрдан кам эмас.

120 нафар ҳашарчи ва звенно аъзолари дам олаётган дала шийпони биносининг на эшиғи ва на деразаси бор. Деворлари клуб, харобага айланганини кўриб, бу ерга анчадан буюн инсон оёғи етмаган, деган хулосага келасиз.

Шийпон ёнида бир пайтлар қурилган ошхонанинг деворлари нураб ётибди. Ҳатто ён-атрофга яхши ният билан ўтказилган бир қисми қуриб, ўтинга айланган. Токзор туғрисида гапирмасе ҳам бўлади. Шунда касабакўм раисининг фахр билан айтган сузлари ёдга тушади:

- Пахтакорларга ҳамма шариотларини яратганимиз, деган эди у, - улар вақтида дам олиб, вақтида оватланишяпти... - Шийпонни кўрдик, сиз қандай шариотни назарда тутаясиз, - деган саволни эшитиб, у ер чизиб қолди.

Худди шундай аҳволни Муртоз Мейлиев бошлик звено дала шийпониде ҳам учратиш мумкин.

Афтидан, хўжалик раҳбарлари деҳқонлар учун аввал зарур шариот яратиш, кейин иш талаб қилиш кераклигини унутган қуриндилар. Ўз-ўзидан бу пировард натижага ҳам таъсир кўрсатмоқда. Масалан, жорий йилда давлатга дон сотиш режаси 36 фоизда қолиб кетгани, аини кунларда жамоа пахта терими сурбатлари бўйича туманда энг охириги ўринларда бораётгани ҳам хўжалик маъмурияти ва касабаси уюшмаси раҳбарларида ташкилотчилик етишмаётганидан далолатдир.

Шавкат СУЛТОНОВ, «Ишонч» мухбири.

Металлургия соҳасида ишлашнинг ўзи бўлмайди. Уни қахрамонлар меҳнати деб бекорга айтишмайди. Олов пулкаб турган мартен печлари, чакмоқ отиб юрган металл куймалар. Ҳар бир ишни дақиқа-дақиқа бажариб турмаса иш ўрнига тушмайди. Бундай меҳнат кишиларига гамхўрлик ҳам талаб даражасида бўлмоғи керак.

ши ўқитилди, 425 нафар киши қайта ўқитилди, 266 ишчи ишлаб чиқариш-иқтисодиёт курсларида ўқувдан ўтди, 21 киши бригадирлар курсини тугаллади ва 205 хотин-қиз малакаларини оширдилар.

Ўтган даврда цехлар санитария-маиший бўлинма-

ломлаштириш оромгоҳини ишлатишга эришилди. Корхона хузуридаги профилакторий, маданият саройи, стадион, тиббий-санитария қисми ва шу каби маданий-маиший, соғлиқни сақлаш шохобчалари ишчилар ихтиёрида. Оғир иш жараёни бўлинмалар-

иш кийимлари билан таъминланмоқда.

Тошкент вилояти металлургия ва машинасозлик тармоқлари саноати ходимлари касабани уюшмаси бўйича меҳнаткашларни соғломлаштиришга 46 миллион сўмликдан кўпроқ маблағ сарфланди. Шу жумладан, санитарий-курорт даволаниши ва парҳез овқатланишига 13 миллион сўмдан зиёд, профилакторийларга 26 миллион сўмга яқин, болаларни соғломлаштириш оромгоҳларига салкам 5,5 миллион сўм ажратилди.

Таъкидланган касабани уюшмаси кўмитасида корхоналарда жамоа шартномаларининг бажарилишининг бошқарилишидаги масала кўриб чиқилди. Илғор тажрибалар таъкидланди ва камчиликларни бартараф этиш йўллари кўрсатилди.



Асл миришкор Ражаббой Эргашев (суратда) бу йил узумдан баракали ҳосил етиштирди. Меҳнат илғорининг кўп йиллик бой тажрибаси Ишон туманидаги «Навбахор» жамоа ҳўжалигида кенг омаллаштирилмоқда.

Ш.СУЛТОНОВ олган сурат.

Жамоа шартномалари қандай бажарилмоқда?

ИШЧИ КАЙФИЯТИ

Ўзбекистон металлургия комбинатида жамоа шартномасини изчил бажаришга катта аҳамият берилмоқда. Шу жумладан, корхонада ишловчиларни соғломлаштиришга ҳам эътибор кучаймоқда. Санаторийларга юздан кўп йўлланма ажратилди. Пансионат ва дам олиш уйлари 56 та йўлланма сотиб олинган бўлса, 35 таси бепул берилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, моддий қийин шароит ҳисобга олинб, санаторийга даволаниш учун кетаётганларга бир томон транспорт пули корхона ҳисобидан тўланмоқда. Бу йил комбинат санаторий-профилакторийсида минг нафарга яқин металлургия ва улар оила аъзолари соғломлаштирилди. Унга 6 миллион сўмдан кўпроқ маблағ ажратилди.

Парҳез овқатланишга муҳтож ишчи-хизматчиларга салкам бир миллион сўмлик талон тарқатилди.

Цехлар ва соғлиқни сақлаш шохобчаларидаги дори қўтиларини дори-дармонлар билан тўлдирди ва эса 900 минг сўм сарфланди.

Жамоа шартномасига мувофиқ ноқулай меҳнат шароитида ишловчи ишчилар сўғ, чой, махсус иш кийимлари ва яққа ҳимоя воситалари билан таъминлаб берилмоқда.

Комбинатда кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу йил ишга янги кирган 103 ки-

ларида салкам бир миллион сўмлик таъмирлаш ишлари олиб борилди.

Ўзбекистон ўтга чидамли ва қийин эрийдиган металл комбинати мана уч йилдириги қийин молиявий аҳволда. Шунга қарамай ишчи-хизматчиларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялашга, жамоа шартномасининг бажарилишига мумкин қадар эътибор берил қаралапти.

Иш ҳақи ҳисобидан корхона хузуридаги дўкон орқали арзон нархларда озик-овқат маҳсулотларини сотиш йўлга қўйилган. Қанчалик қийин бўлмасин ёзда «Гулзор» зиналарни со-

даги ишчилар имтиёзли овқатлантирилмоқда, сут маҳсулотлари билан таъминланмоқда. Ишчи-хизматчилар мунтазам равишда тиббий кўрикдан ўтказиб берилмоқда.

Цехларда техника хавфсизлиги уч босқичли назорат остида олиб борилмоқда.

Тузилган 126 ишлаб чиқариш тадбирларидан иккитаси бажарилмади ва еттитаси қисман бажарилди. Унга сабаб маблағларнинг етишмаслиги бўлди. Молиявий таъминотнинг ўз вақтида бўлмаётганлиги сабабли ишчилар махсус иш кийимлари, яққа ҳимоя во-

дорлик жамиятида меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги масалалари диққат-эътиборда бўлмоқда. Ўтган даврда савдо хизмати маданиятини ошириш мақсадида талай таъмирлаш ишлари олиб борилди. Соғлиққа зарарли шароитда ишловчилар сут маҳсулотлари, махсус

Жамоа шартномалари таҳлили шуни кўрсатдики, мазкур ҳужжатнинг мажбуриятлари ҳар бир жамоанинг ўзига хос хусусиятлари, шарт-шароити ва молиявий аҳволдан келиб чиқиб мустақил равишда бажарилиши ва бу ишга ижобий ёндошилиши лозим.

Б.ПҮЛАТОВ.

РЕСПУБЛИКА КАСАБА УЮШМАЛАРИДА

Янгийўлдаги «Кичкинтой» ҳиссадорлик жамиятида «Оила йили» муносабати билан тадбирлар режаси тузилиб, унга кўра кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш, меҳнат қашларни ҳамда уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш кўзда тутилган. Шу йил бошидан бери 47 та кам даромадли оилаларга ёрдам кўрсатилди.

«Бухоротекс» ҳиссадорлик жамияти маъмурияти ҳамда касабани уюшмаси кўмитаси «Ташминводи» санаторийси билан шартнома тузди. Унга кўра 150 та йўлланма сотиб олинди, ишчи-хизматчиларга имтиёзли қилиб берилди. Улар йўлланмалар умумий қий-матининг 10 фоизини тўлайдилар, холос. Қолган маблағни маъмурият ҳамда касабани уюшмаси кўмитаси ўз зиммасига олган.

Андижондаги «Бобур» номили ип-газлама ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамиятида меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялаш ҳамда соғломлаштиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Яқинда мазкур корхонада «Қалдирғоч» деб номланган 250 ўринли болалар оромгоҳи очилди. Бундан ташқари, 50 нафар кишига санаторий, 440 нафар ишчи-хизматчиларга санаторий-профилакторийга йўлланма берилди.

Н.РАФИҚОВ.

КЎШИМЧА ПЕНСИЯЛАР ТАЙИНЛАНДИ

Амалдаги қонунларга кўра, корхоналар ва ташкилотлар ўз маблағларидан, масалан, ходимнинг меҳнатдаги ҳиссасини, иш стажини ҳамда бошқа жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда пенсияларга ҳар ойлик қўшимчалар белгилаш, тўлаш ҳуқуқига эгадирлар. Бу борада Жиззах вилоятида ҳам хайрли тадбирлар амалга ошириляпти. Меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялашнинг аниқ тадбир-

лари амалиётга жорий этилмоқда. Вилоят ҳокимлигининг қарорига кўра 121 нафар 100 ёшдан ошган кексаларга, шунингдек, 180 нафардан ортиқ боқувчиси бўлмаган қарияларга ҳар ойда 500 сўмдан қўшимча пенсия тўланапти. Ташаббус Зафаробод ҳокимлиги, Жиззах электр тармоқлари корхонаси, «Дўстлик» дон маҳсулотлари комбинати томонидан ҳам қўллаб-қувватланди.

фармаси Мирзачўл тумани бўлими 10 нафар пенсионернинг ҳар бирига ойда 200 сўмдан қўшимча пенсия тўлашни йўлга қўйди. Бахмал тумани ҳокимлиги ҳам ижтимоий ҳимоя масаласида эътиборга молик ишларни амалга оширмоқда. Умуман, Жиззахдаги 1000 дан ортиқ пенсионерга бир ойда 490,7 минг сўм миқдорда қўшимча пенсия тўлаб келинмоқда.

Н.НАЙМОВ.



Мамлакатхон Тошпўлатова «Ўзформсаноат» давлат ҳиссадорлик концернига қарашли «Зилола» ишлаб чиқариш корхонасида сикидилдан меҳнат қилиб келмоқда. Маҳсулотларнинг сифатли ва бежирим бўлишида унинг муносиб ҳиссаси бор. Фарғонадаги ушбу корхонада ҳар йили 120 тоннадан ортиқ ип-калава ишлаб чиқарилмоқда.

Б.ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Инсон дунёга келса-ю кадр-қиммати, ҳаётда ўз ўрни, бир кадрдонни бўлмаса, кимгадир талпиниб, суяниб яшамаса, қалбини Ватаним, она юртим, деган муқаддас туйғулар чулғамган бўлса у қандай одам бўлди? Ҳаётнинг мазмунини бир амаллаб нафсини қондириш бемақсад, бесамар кўча тентирашдан иборат бўлган баъзи ёшлар - дайдилар ҳаёти билан танишганимда бу қадар эзилман деб ўйламаганим.

Боши фалакка тенгдур, мағрурдир инсон! Ҳа, табиатнинг олий санъати азиз муътабар инсон бу ёруғ жаҳонда бахтли-саодатли бўлиши, тинч-осойишта яшашни, илмухонар ўрганиши учун мураккаб юртимизда барча шароит муҳайё этилган. Истиклол ёшларимизга, барча фуқароларга бахт эшигини кенг очди. Бир вақтлар тушимизга кирмаган улуг ишлар рўёбга чиқмоқда. Қанчадан-қанча йилгит ва қизларимиз хорижий мамлакатларда илм олиш бахтига мушарраф бўлишяпти.

Бахтга қарши орамизда оз бўлса-да инсон деган муътабар номга иснод келтираётган, ширин умрини беҳуда ўтказётган, жиноятларга қўл ураётган ёшлар ҳам йўқ эмас. Тошкент шаҳрининг Яққасар туманида Истиклол қилаётган Сергей Осен-

цев эндигина 17 ёшда. Бироқ кўнгил кўчасига кириб, суднинг қора курсисига ўтирди. Аммо ҳаётнинг ачиқ сабоқларидан тўғри хулоса чиқармади. Бемаҳалда шаҳар кезиб, одамларнинг тинчлини бузди, кимларнингдир кўнгилни беурин ранжитди. Ўрни келганда йўлтўсарлик, киссаверлик қилди. Дам олиш кунларининг бирида у мавридини топиб, фуқаро Ш.Мақоёвга ташлабди, уни тунадди. Жиноятга жазо муқаррар деганларидек, зўравон тез орада милиция ходимлари томонидан қўлга олинди.

Инсон яхши ёки ёмон бўлиб дунёга келмайди. Унинг келажакда ким бўлиши ота-она тарбиясига, оилавий ва ён-атрофидаги муҳитга боғлиқдир. Шу босқинда, қуш уясида қурганини қиладди, дея бекорга айтишмайди. Сергей Осенцев ҳам мураккаб муҳитда

Инсон номига иснод келтираётганлар

воёга етди. Яқинларининг доимий жанжаллари, оилада ўзаро ҳамжихатлик, меҳр-оқибатнинг йўқлиги ўсмирга ҳам таъсир этди. Вақт ўтиши билан ҳаммасидан беэиш, кўчадан бе-

лар содир этишган. Улар одамлар гавжум жойларда қўнғилсизликлар келтириб чиқардилар. Бора-бора маҳалла-қўй улардан беэишди. Қизиги шундаки, нопок йўлга кирган бу икки зўра-

да тўсилганда, милиция ходимлари панду насиҳатлар қилганларда кўзлари очилиб ҳаётда тўғри йўлни танлаган бўлишарди. Жумладан, нозир Ж.Каримбеков дилозорларни номига-



ри келмай қолди. Энг ёмони, фарзанд тақдирини билан ҳеч ким жиддий шугулланмади. Боз устига туман ички ишлар бўлими воёга етмаганлар ишлари билан шугулланувчи инспекция айрим ходимларнинг совуққонлиги сабабли С.Осенцев дайдиллигини авж олдириб, қўнғилга келган ишни қилишга одатланди. Охир-оқибат яна судга рубарў бўлди.

Ҳаётда энди мустақил қадам ташлай бошлаган Ҳамза туманида А.Қаюмов ҳамда Д.Кириченколар қоронғуда топишган дайдиллардир. Ёш бўлишларига қарамай муқаддам жиноят-

ларнинг мушугини пишт дейдиганлар топилмади. Қимлардир менга нима, қабилада иш юритган бўлса, бошқалар уларнига ортиқча ташвиш орттиришни хоҳлашмади. Лоқайдлик яна оғир жиноятга сабаб бўлди.

БАРТЕР УСУЛИДА ЭКСПОРТ

рўйхатидан ўтказилган ушбу йўриқномада асосий эътибор ишлаб чиқарувчиларнинг иқтисодий-ижтимоий манфаатига қаратилган. Хусусан ушбу ҳужжатга бинам экспортёр-деҳ-

га ўтказиш масъулиятини олмайдилар ҳамда бартер асосидаги шартнома ҳамда кўрсатаётган банкдан рўйхатдан ўтказилади, вассалом. Бундан ташқари, янги ҳужжатга кўра экспор-

Юртимиз омилкорлари

қон - жисмоний шахс етиштирилган маҳсулотнинг тури ва ҳажмидан қатъий назар божхона тўловларидан озод этилади. Шунингдек, деҳқон ва фермер ҳўжаликлари ассоциациясининг аъзолари ўзлари мустақил равишда ёхуд тайёрлов кооперативи ёрдамида маҳсулотларни бартер усулида экспорт қилишлари мумкин. Бу ҳолатда улар валютада ишланган даромадининг бир қисмини Республика Марказий банки-

ртва мўлжалланган мева-сабзавот ва уни қайта ишланган маҳсулотлар божхона идорасида биринчи галда расмийлаштирилади. Қолаверса, расмийлаштириш чоғидаги ҳужжатлар сони ҳам бирмунча қисқартирилган. Хусусан, жисмоний шахс бўлмиш экспортёрлар божхона юк декларациясини тўлдирди, бу декларацияда деҳқон ва фермерлар ассоциациясининг аъзолиги ҳақида гувоҳнома бўли-

ши, унинг рақами ва берилган санаси ёзиб қўйилиши шарт. Ҳўжалик ёки фирма номидан иш қилмаётган юридик шахслардан эса шартнома ҳам талаб этилади.

Мазкур тартиб - йўриқномага асосан деҳқон-экспортёр маҳсулотининг «келиб чиқиши» бўйича сертификатни импортёр давлат божхона хизмати учун ҳам тайёрлайди. Бу ҳолат унга божхона тўловларидаги имтиёزلардан фойдаланиш имконини беради. Қўрилиб турибдики, иқтисодий ислохотларимизнинг бугунги босқичида барча ишлаб чиқарувчилар, айниқса деҳқончилик соҳасидаги тадбиркорлардан экспортга йўналтирилган фаолият талаб этилаётган.

В.ДРУБАЧ.

МАҲСУЛОТЛАРИМИЗ РОССИЯГА

Сўнгги йилларда Гурлан туманида ҳам кенг бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Хорижий ишбилармонлар билан ҳамкорлик мустаҳкамланаётганлиги ўзининг қувончли самараларини бермоқда. «Туртекс» ҳиссадорлик жамиятида эришилётган натижалар кўнчилиги эътиборини тортмоқда. Маҳсулотлар ўзининг пишиқ-пухталиги, сифатлилиги билан ажралиб туради. Пахта толасидан тайёрланган кийим-кечаклар Россияга ҳам экспорт қилинмоқда.

Корхона йилига 2600 тонна жон талабларига мос калава, 2100 тонна трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эгадир.

Кизилқумда фидойи, ташаббускор кишилар меҳнат қилишади. «Арма» кўшма корхонаси ана шу инсонларнинг чинакам фахрига айланди. Замонавий технология, меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг сигнал омили лари жорий этиш ажойиб самаралар берапти. Ишлаб чиқари-

лаётган тўқимачилик маҳсулотларига талаб тобора ортмоқда. Қўшма корхона молларига Россияда ҳам талабдорлар оз эмас.

«Фар-Итал» кўшма корхонаси Россия ва Италия билан ҳамкорликда бунёдга келган. Таъсисчилик қаторига Русянинг «Вэзгил» компанияси ҳам қўшилди. Бу ерда ишлар яхши ривожланыпти. Ният юқори сифатли вино ва бошқа неъматлар ишлаб чиқаришдир. Маҳсулотнинг салмоқли қисми Россияга жўнатилмоқда.

Ватанини улугламоқда. Ҳаётдаги ҳақиқий истеъдод эгалари бўлиши қанчадан-қанча ёшларимиз ҳалол меҳнатлари, ташаббускорликлари билан Ватанини улугламоқда. Ўзбекистон фарзандларининг шуҳрати кенг ёйилганлигини барча қалбдан ҳис қилиб турибди. Ана шундай бир шароитда орамизда дайдилларнинг бўлиши гоёта ачинарли, «Кўнгил кўчаси»га кирганларнинг кўзини очиб, уларга ёрдам бериш, ҳақиқий инсонлар бўлиб шаклланишлари учун биргалашиб ҳаракат қилиш энг муҳим вазифалардандир. Тўғри эмасми?

Ҳожиқулова, «Ишонч»нинг махсус муҳбири.

